

## ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА НИМИД®

**Препаратнинг савдо номи:** Нимид®

**Таъсир этувчи модда (ХПН):** нимесулид

**Дори шакли:** сиртга қўллаш учун гель

**Таркиби:**

Ҳар бир грамм гелъ сақлайди:

*фаол модда:* 10 мг нимесулид;

*ёрдамчи моддалар:* бензил спирти, пропиленгликоль, карбомер 940, динарий эдетати, натрий гидроксид гранулалари, Cologne Comp 530 ароматизатори, тозаланган сув.

**Таърифи:** оч – сариқ рангли, тиниқ бўлмаган бир хил гелъ.

**Фармакотерапевтик гуруҳи:** яллиғланишга қарши маҳаллий қўллаш учун ностероид яллиғланишга қарши препаратлар.

**АТХ коди:** M02AA26.

### Фармакологик хусусиятлари

#### Фармакодинамикаси

Нимесулид — яллиғланишга қарши, оғриқ қолдирувчи ва иситма туширувчи хусусиятларга эга фаол модда. Нимесулид ЦОГ – 2 (циклооксигеназа – 2) ни танлаб ингибиция қилади ва яллиғланиш ўчоғида простагландинлар синтезини бостиради.

Нимесулид миелопероксидаза ферментини ажралиб чиқишни ингибиция қилади, фагоцитоз ва хемотаксис жараёнларига таъсир қилмай, кислороднинг эркин радикаллари хосил бўлишини сусайтиради, шунингдек яллиғланишда ўсмалар некротизининг факторини ва бошқа яллиғланиш медиаторларини хосил бўлишни сусайтиради.

Нимесулид интерлейкин – 6 ва урокиназа синтезини бостириш хусусиятга эга бўлиб, шу тариқа тоғай тўқималарини парчаланишига тўсқинлик қилади. Металлопротеазалар (эластазалар, коллагенозлар) синтезини ингибиция қилади, протеогликанлар ва тоғай тўқималарини емирилишини бартараф этади. Маҳаллий қўлланганда, гелъ суртилган жойда, препарат оғриқни, шу жумладан тинч ҳолатдаги ва ҳаракат жараёнидаги бўғим оғриғини сусайишига ва йўқолишига олиб келади, эрталабки танглигини ва бўғимлар шишини камайтиради. Гелъ ҳаракатлар диапазонини оширади.

#### Фармакокинетикаси

Гелъ терига сурилганидан кейин нимесулид секин сўрилади, тери ости ёғ клетчаткасига, мушак тўқимасига, бўғим капсуласига, синовиал суюқликка киради. Яллиғланиш ўчоғида узоқ вақтгача фаол модданинг турғун юқори концентрациясини хосил қилади. Ўтказилган фармакокинетик тадқиқотларда, нимесулид маҳаллий қўлланганда қон плазмасига тизимли сўрилиши аҳамиятсиз даражада эканлиги ва 5 соатдан кейин қон плазмасида гидроксинимесулид – 4нинг жуда паст концентрацияларини (100 мкг/л) аниқланиши қайд этилган.

### Қўлланилиши

- Таянч–ҳаракат аппаратининг оғриқ ва шишлар билан кечадиган, яллиғланиш ва дегенератив характердаги касалликлари:
  - ревматик ва ревматоид артрит;
  - подагрик ва псориадик артрит;
  - анкилозланувчи спондилит (Бехтерев касаллиги);
  - Рейтер синдроми;

- остеоартрит
  - бурсит, миозит, тендинит, тендосиновит;
  - радикуляр (илдизча) синдроми билан кечувчи остеохондроз;
  - миалгия, невралгия, ишиас, люмбаго.
- Юмшоқ тўқималар ва таянч – ҳаракат аппаратини жароҳатдан (шикастланишлар ва узилишлар); дан кейинги яллиғланишда.
  - Огир жисмоний зўриқиш оқибатида оғрикда қўлланилади.

### **Қўллаш усули ва дозалари**

Тубадан гел тизимчасини (узунлиги 3 см) сиқиб чиқариб, сўнгра терининг энг оғриқли соҳасига, юпка қават қилиб бир текисда суртиш лозим. Ишқаланмасин!

Муолажани кунига 3–4 марта бажариш керак. Гелни терининг тоза ва қуруқ юзасига суртиш зарур.

### **Ножўя таъсирлари**

Нимид® одатда яхши ўзлаштирилади, лекин гел қўлланган жойда, асосан даволаш бошлангандан кейин, биринчи ҳафтаси давомида қичишиш, пўст ташлаш, тошмалар пайдо бўлиши мумкин.

Кам ҳолларда ацетилсалицил кислотасига ва бошқа ностероид яллиғланишга қарши препаратларга индивидуал юқори сезувчанлик бўлганида Квинке шиши, вазомотор ринит, астма, бронхоспазм кўринишидаги анафилактик реакциялари тўғрисида хабар қилинган.

### **Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар**

Дерматитлар, эпидермисни шикастланишлари ва қўллаш соҳасида тери инфекциялари; препаратга юқори индивидуал сезувчанлик, аспирин астмаси, ҳомиладорлик даври (уч ойлик), 12 ёшгача бўлган болаларда қўлланмайди.

### **Дориларнинг ўзаро таъсири**

Бир нечта НЯҚП ни бир вақтда маҳаллий қўлланганда–эшакеми, терини қизариши, қипикланиш кўринишида маҳаллий таъсирланишлар ривожланиши мумкин.

Глюкокортикоидлар ва ревматизмга қарши воситалар (олтин препаратлари, аминоксинолонлар) Нимид® гелининг яллиғланишга қарши таъсирини кучайтиради.

### **Махсус кўрсатмалар**

Нимид® гелини очик жароҳатларга суртишдан сақланган ҳолда, шикастланмаган терига суртиш лозим. Препаратни кўзга ва шиллиқ қаватига тушишидан сақланиш лозим. Окклюзион боғловларни қўйиш мумкин эмас. Ножўя реакциялар хавфи қисқа вақт даври давомида минимал самарали дозани суртиш йўли билан пасайтирилиши мумкин. Агар яхшиланиш кузатилмаса пациентни текшириш ва терапияга ўзгартиришлар киритиш керак.

### **Ҳомиладорлик ва лактация даврида қўлланилиши**

Препаратни, агар она учун фойда, ҳомила учун потенциал хавфдан устун бўлса, қўллаш мумкин.

### **Транспорт воситасини ва бошқа потенциал хавфли механизмларни бошқариш қобилиятига таъсири**

Таъсир қилмайди.

### **Дозани ошириб юборилиши**

Маҳаллий қўлланганда дозани ошириб юборилиши эҳтимоли кам.

### **Чиқарилиш шакли**

30 г ёки 100 г препарат, оқ бураладиган қоққоқли, ламинация қилинган тубаларда.

Ҳар бир туба тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаси билан бирга картон ўрамда.

**Сақлаш шароити**

Қурук, ёруғликдан химояланган жойда, 25°C дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин.  
Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.  
Музлатилмасин!

**Яроқлик муддати**

3 йил.

Препарат яроқлилик муддати тугагандан сўнг қўлланилмасин.

**Дорихонадан бериш тартиби**

Рецептсиз берилади.

**Ишлаб чиқарувчи**

Kusum Healthcare Pvt. Ltd.

**Ишлаб чиқариш манзили**

SP-289(A), RIICO Industrial Area, Chopanki, Bhiwadi, Dist. Alwar (Rajasthan), Ҳиндистон.

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дори препаратларининг сифати бўйича  
эътирозлар (таклифлар)ни қабул қилувчи ташкилотнинг номи ва манзили:**

“BARAKA DORI FARM” МЧЖ ХК

100022, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Халка Йули кўчаси, 91-уй.

Тел.: + 998 78 150 97 97; факс: + 998 78 150 97 87

Уяли тел.: + 998 93 388 87 82

Email: [pv@kusum.uz](mailto:pv@kusum.uz)

Web-сайт: kusum.uz